



# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2015 йил 30 июнь, № 127 (6310)

Сешанба

Сайтимишга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



## ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР

ишлаб чиқаришга изчил татбиқ этилаётгани туфайли саноатда барқарор ўсиш суръатлари таъминланмоқда



МОДЕРНИЗАЦИЯ

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари иқтисодий тараққиётнинг таянч кучига айланиб бораётир. Бу, албатта, юртимизда яратилган қулай ишбилармонлик муҳити, соҳа вакилларига берилган имтиёз ва имкониятлар туфайлидир. Натижада ички бозор сифатли маҳсулотлар билан бойиб, аҳолининг турмуш даражаси тобора фаровонлашмоқда.

Чунинчи, Хоразм вилоятида жорий йилнинг биринчи чораги якунларига кўра, ялпи ҳудудий маҳсулотда кичик бизнес субъектларининг улуши 60,2 фоизни, аҳоли бандлиги даражасида эса 81 фоизни ташкил этди. Бунда, шубҳасиз, Урганч шаҳридаги "Glass pro" масъулияти чекланган жамиятининг ҳам муносиб улуши бор. Ойинани қайта ишлашга ихтисослаштирилган ушбу корхонада шу йилнинг ўтган беш ойида замонавий технологиялар ёрдамида

915 000 000

сўмликдан ортиқ маҳсулот тайёрланди.

(Давоми 2-бетда).

## ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА



### Депутатлар мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг ҳуқуқий базасини янада такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаларини кўриб чиқдилар

29 июнь кун Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Парламент кўйи палатасининг кун тартибига "Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ўзгаришлар киритиш тўғрисида"ги қонунлар лойиҳаларини ҳамда мамлакатимиз ҳуқуқий базасини янада такомиллаштиришга қаратилган бошқа қонун ҳужжатларининг лойиҳаларини муҳокама этишга доир масалалар киритилди.

Барча масалалар олдиндан сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон экологик ҳаракати депутатлар гуруҳининг, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси бир қатор қўмиталарининг мажлисларида вазириликлар ҳамда идоралар вакиллари иштирокида муҳокамадан ўтган эди. Уларни муҳокама қилиш жараёнида қонун ҳужжатларини янада такомиллаштиришга қаратилган қатор амалий тақлифлар билдирилди.

Депутатлар ўз ишларини Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш концепциясига мувофиқ ишлаб чиқилган "Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонун лойиҳасини муҳокама қилишдан бошладилар.

Таъкидландики, инвестиция ва пай фондлари жаҳон амалиётида кенг ёйилган. Шу сабабли "Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонун лойиҳасини сифатли тайёрлаш мақсадида АҚШ, Германия, Корея Республикаси, Россия ва бошқа мамлакатларнинг ушбу соҳадаги қонун ҳужжатлари таҳлилдан ўтказилди. Бугунги кунда мамлакатимизда Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексини, "Қимматли қозғалар бозори тўғрисида"ги Қонун ҳамда бошқа қонунлар инвестиция ва пай фондларини ташкил этиш учун ҳуқуқий асос бўлиб ҳизмат қилмоқда.

Уларда "Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида"ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш учун зарур бўлган асосий нормалар белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси инвестиция ва пай фондларининг фаолиятини тартибга солиш учун маҳсулоти қабул қилиш зарурлиги шу билан изоҳланадики, мазкур институтлар ўзига хос механизм бўлиб, ушбу механизм ёрдамида хусусий шахслар пул маблағлари ва бошқа активлари бошқариш учун профессионал менежерлар қўлига топширадилар. Натижада жамоавий инвестициялаш тизими ишга тушади ва бу бўш турган пул маблағларини ҳаракатга келтириш ҳамда уларни миллий иқтисодиётнинг турли соҳаларини молиялаштиришга йўналтириш имконини беради.

Бинобарин, инвесторлар қиритган маблағларнинг ягона жамланмиси шакллантирилади. Унда ҳар бир инвесторнинг ўз инвестицияларига мутаносиб улуши бўлади. Бу профессионал бошқаруви, ҳаракатлар ва таваккалчиликлар диверсификация қилиниши ҳамда камайишини таъминлайди.

Янги қонуннинг қабул қилиниши фонд бозори томонидан иқтисодиёт тармоқлари ўртасида сармоянинг эркин оқими таъминлаш, инвесторларга ва аҳолининг кенг қатламларига капитал бозорига кириш имкониятини бериши, жағмағларнинг шакллантириш ва қўпайтириш учун муқобил имкониятлар яратиш каби вазифалар янада самарали бажарилишига хизмат қилади.

"Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида"ги қонун лойиҳасини ҳар томонлама муҳокама этиш чоғида барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳининг вакиллари сўзга чиқдилар.

(Давоми 2-бетда).

## Олий суд Пленуми мажлиси

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Олий суд судьялари, жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича вилоят судлари раислари, Олий Мажлис Сенати аъзолари ҳамда Қонунчилик палатаси депутатлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар масъул ходимлари, ҳуқуқшунос олимлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этган мажлисда Пленумнинг "Транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар билан боғлиқ ишлар юзасидан суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида"ги қарори лойиҳасини муҳокама қилинди.

Жаҳон соғлиғини сақлаш ташкилотини маълумотларига кўра, ҳар йили йўл-транспорт ҳодисалари оқибатида дунёда 1,2 миллиондан ортиқ одам ҳаётдан кўз юммоқда. Эъти-

борлиси, мазкур нуфузли халқаро ташкилот томонидан Ўзбекистон йўл ҳаракати хавфсизлиги учун хавфли омилларнинг олдини олиш чораларини кўраётган, ушбу йўналишда мустақам қонунчилик базасига эга бўлган давлатлардан бири сифатида эътироф этилмоқда.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон йирик транспорт-коммуникация ва транзит салоҳиятига эга мамлакатлардан бири ҳисобланади. Бу имкониятлардан самарали фойдаланиш мақсадида ўтган йиллар мобайнида юртимизда автомобилсозликни янада ривожлантириш, янги замонавий йўллар барпо этиш ва мавжудларни реконструкция қилиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилди.

(Давоми 2-бетда).

## Тадбиркорлик ривожининг мустақам пойдевори

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан Президентимизнинг 2015 йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижросига бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди.

### ФАРМОН ВА ИЖРО

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, Бош прокуратор, Давлат солиқ ва Хотин-қизлар қўмиталари, Савдо-саноат палатаси, тижорат банклари мутасаддилари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Таъкидландики, давлатимиз раҳбарининг ушбу Фармони кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган навбатдаги муҳим ҳужжатлардан биридир.

(Давоми 3-бетда).

### ДИЛ СЎЗИ

Президентимизнинг Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўлаган табриғи биз, журналистларга кўтаринки кайфият, юксак гуруҳ ҳамда улкан масъулият бағишлади. Унда қалам аҳлининг шарафли ва машаққатли меҳнати эътироф этилиши билан бирга, глобаллашув деб ном олган, шиддат билан ўзгариб бораётган ҳозирги замонда соҳани янада ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга эканлиги алоҳида қайд этиб ўтилди.

## Ишонч ва масъулият

Таъкидланганидек: "Дунёда кечаётган турли-туман воқеа ва жараёнлар ҳақида сизлар етказадиган тезкор ва ҳолис ахборотнинг, ҳаётини муаммолар, кундалик ташвишлар ва уларни ҳал қилиш йўллари ҳақида журналист аҳли билдирадиган таъсирчан сўзнинг аҳамияти ва салмоғи ҳозирги замонда тобора ортиб бормоқда". Бу фикрлар бизни янада масъулиятли бўлишга, юртимиз равнақи йўлида астойдил меҳнат қилишга ундайди, албатта.

Чиндан ҳам, демократик тараққиёт йўлини танлаган ҳар қандай мамлакатда оммавий ахборот воситалари жамият ҳаётида муҳим ўрин эгаллайди. Чунки эришилган натижалар ҳам, мавжуд муаммолар ва уларни ҳал этиш борасидаги тақлиф ҳамда тавсиялар ҳам беvosита ОАВ орқали ёрилади. Шу тариқа улар жамиятда ижтимоий-иқтисодий барқарорликни таъминлашга муносиб ҳисса қўшади.

Айтиб ўтиш жоизки, юртимиз тарихан қисқа даврда сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий, ҳуқуқий

ахборот воситалари ходимлари зиммасига катта масъулият юклайди. Юртбошимиз таъкидлаганларидек, бугун биз ашаётган янги давр, янги-ча ижтимоий муносабатлар оммавий ахборот воситаларининг олдиға тез суръатлар билан ўзгариб, ривожланиб бораётган жамиятимизнинг талабларига ҳар томонлама муносиб бўлиш, одамларни ўйлантираётган, безовта қилаётган муаммоларга жа-

ва бошқа кўплаб соҳаларда эришган улкан ютуқлари билан жаҳон ҳам-жамиятининг эътирофига сазовор бўлиб келмоқда. Ушбу жараёнда миллий матбуотимизнинг ҳам замон талаблари асосида ривожланиб бораётгани қувонарлидир.

Айни вақтда аҳолининг тезкор ва ҳаққоний ахборот олишга бўлган эҳтиёжини юксак даражада таъминлаш, телекўрсатувларнинг мазмунини ва сифатини ошириш мақсадида мамлакатимизда рақамли телевидениега ўтиш бўйича кенг қўламли ишлар давом этмоқда. Бугунги кунда юртдошларимизнинг 54 фоизи рақамли телевидение имкониятларидан фойдаланаяпти. Жорий йилнинг ўзида мамлакатимиз бўйича юқори қувватга эга бўлган 84 та телеузел-тасвиқлаш мосламаси ўрнатилди ва шу тариқа худудларимизни 100 фоиз рақамли телевидение билан қамраб олиш кўзда тутилаётгани, айниқса, эътиборлидир.

Президентимиз табриғида олди-мизда турган муҳим вазифалар белгилаб берилганлиги барча оммавий

воё ишлаш, уларни кун тартибига қўйиб, жамоатчилик фикрини шакллантириш бўйича ўта муҳим ва долзарб вазифаларни қўймоқда.

Айниқса, маънавий дунёмизга қарши қаратилган таҳдид ва хужурлар тобора кучайиб бораётган бугунги вазиятда биз, оммавий ахборот воситалари ходимлари билим ва тажрибамиз, профессионал маҳоратимиз, гражданлик позициямиз янада оширишимиз ва мустақамлашимиз зарур.

Президентимиз фидойи ва жонқуяр журналистларни энг яқин ҳам-фикр ҳамда маслақдошларим, деб таъкидладилар. Бу ҳаммамиз учун катта шарафдир. Ушбу юксак баҳо ҳақида ўйлаганимизда, яна ҳам илҳомланиб, ҳаётини ва таъсирчан чиқишлар қилганимиз келайди.

Саодат ЎРМОНОВА,  
Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Ўзбекистон» телерадиоканали катта муҳаррири,  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

## Пиллачилар эришган улкан муваффақият

Мамлакатимиз пиллачилари 26 минг тоннадан зиёд "қумуш тола" тайёрлаб, йиллик шартнома мажбуриятини бажардилар.

### ИФТИХОР

Ушбу қимматбаҳо хом ашё ипакчилик ва тўқимачилик саноатимиз тараққиёти, экспорт салоҳияти ошиши ва аҳоли турмуш фаровонлиги таъминланишида муҳим аҳамиятга эга. Шу боис мамлакатимизда пиллачилик тармоғини ривожлантириш, пиллачиларга муносиб меҳнат шароитини

яратиб беришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимизнинг 2006 йил 15 ноябрдаги "Республика пиллачилик тармоғини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу борда дастури-амал бўлиб хизмат қилаяпти.

Дарҳақиқат, мазкур ҳужжат талаблари асосида қурт бо-

қувчилар зарур жиҳозлар билан таъминланиб, уларнинг моддий манфаатдорлиги оширилмоқда. Хусусан, жорий мавсумда 70 миллиард сўм миқдоридидаги маблағ бундан пули тариқасида берилди. Бу каби саъй-ҳаракатлар туфайли маҳсулот тайёрлаш ҳажми ортиб, сифати тобора яхшиланаёпти. Бироқ пиллачилик учун бир оз нуқолай келган бу йилги об-ҳаво шароитида мўлжалдаги "қумуш тола"ни етиштириш осон кечмади.

(Давоми 2-бетда).

Ҳар тонна пилладан 350 килограмм ипак, 20 минг метр адрас, 13 минг метр атлас, умуман, унинг толасидан ўнлаб турдаги маҳсулот тайёрланиши ушбу хом ашё саноатимиз ривожига нечоғли муҳим ўрин тутишини яққол кўрсатиб турибди.





24 йил



Истиқлол сурври

Яқинда маҳалламиздаги "Уйрот" қишлоқ врачлик пунктига боргандим. Барака топишин, тажрибали шифокорлар очик чехра билан кутиб олиб, дарров замонавий тиббий асбоб-ускуналар ёрдамида аник ташхис кўйишди.

ҒАМХЎРЛИК ИФОДАСИ

Маслаҳатлар беришди. Уларнинг хушмуомалигини айтмайсизми? Кўнглим тоғдек кўтарилди. Сизга айтсам, ушбу муассаса қурилганида, барчамиз жуда хурсанд бўлгандик. Энди ўзингиз ўйланг, олис бир қишлоқда шахарлардагидан асло қолишмайдиган шифо маскани қурилса, бунга қувонмай бўладими, ахир?!

Биз, ёши катталар яхши эслаймиз. Бундан 20-25 йил олдин энг оддий касаллик учун ҳам туман марказига боришга тўғри келарди. Ваҳоланки, марказда ҳам тиббий ёрдам кўрсатиш сифати ночор аҳволда эди. Хозирги шароитлар бутунлай бошқача. Юртобшимиз эътибори билан тиббиётимиз илгариллаб кетди. Жаҳон талаблари даражасига чиқди. Телевидение орқали жуда кўп хорижий мутахассислар, нуфузли ташкилотлар раҳбарларининг сўзларини эшитаёلمиз. Улар соғлиқни сақлаш тизимимизга юқори баҳо беришмоқда, ҳавас билан қарашаяпти. Бундан ҳаммамиз фخرланамиз.

Яна бир гап. Мамлакатимизда йўлга қўйилган эзгу ташаббусни қарангки, тиббиёт ходимларининг ўзлари тез-тез хонадонларга келиб, аҳоли ҳолидан хабар олишяпти. Соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишмоқда. Бунга қисилган илгари бўлган эмас. Менимча, дунёнинг ҳеч бир мамлакатига бундай ҳолат учрамаса керак!

Буларнинг барчаси давлатимизнинг халқимизга бўлган эътибори, ғамхўрлигининг ҳаётий ифодаларидир.

Зувайдулло СУВОНОВ, меҳнат фахрийси, «Дўстлик» ордени соҳибни. Кармана тумани

Қисқа сатрларда

Миллий матбуот марказида қурғоқчилик ва чўлланнинг олдини олиш борасида мамлакатимизда амалга оширилаётган чора-тадбирлар ва истиқболдаги вазифаларга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Қашқадарё вилояти кўп тармоқли болалар тиббиёт марказида 12 ёшгача бўлган бемор болалар чуқуллаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди.

Пойтахтимизнинг Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида "Икки авлод учрашуви" лойиҳаси доирасида "Матбуот — ҳаёт кўзгуси" деб номланган ижодий тадбир ташкил этилди. "Кексаларни эъозлаш йили" Давлат дастури ижроси доирасида ўтказилган ушбу анжуманга фахрий журналистлар, ёзувчи ва шоирлар, санъаткорлар, ёшлар тақлиф қилинди.

Бухорода "Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси" танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда "Энг фаол ёш банк ходими", "Энг фаол ёш фермер", "Энг фаол ёш шифокор", "Энг фаол ёш тадбиркор" ва бошқа йўналишлар бўйича голиблар аниқланди.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида "Гиёҳвандлик — инсон умрининг кушандаси" мавзусида китоблар кўргазмаси уюштирилди.

«Халқ сўзи» мухбирлари хобарлари асосида тайёрланди.

Депутатлар мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг ҳуқуқий базасини янада такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаларини кўриб чиқдилар

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Фракциямиз аъзолари ЎзЛиДеП сайловолди дастурининг асосий қоидаларидан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизда хусусий мулк институтининг янада ривожланишини таъминлаш муҳими устуворликлардан бири сифатида белгиланган "Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини таҳлил қилиб чиқдилар, — дея таъкидлади Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракциясининг аъзоси Б. Темирханова. — Мазкур қонун лойиҳаси аҳолининг бўш турган пул маблағларини ишга солиш ва уларни иқтисодийнинг турли соҳаларига йўналтириш йўли билан Ўзбекистонда жамоавий инвестициялаш тизимини яратишда муҳим рағбатлантирувчи омил бўлишини таъкидлаш мумкин. Ҳужжатнинг қабул қилиниши инвестициялар билан боғлиқ ўзаро муносабатларни тартибга солиш имкониятини беради, иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий соҳаларда ўтказилаётган босқичма-босқич ислохотлар жараёнида катта аҳамиятга эга бўлади. Бу партиямиз электротиқнинг манфаатларига монанддир.

Бардорлиги ўсиб бораётгани боис инвестиция ва пай фондлари инвестицияларни амалга оширишнинг тобора қулай механизмига айланмоқда, — деди Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракциясининг аъзоси М. Гафурова. — Шу сабабли бугунги кунда ушбу соҳа аниқ ҳуқуқий тартибга солишни, хусусан "Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида"ги махсус қонун қилинишини тақозо этмоқда. Бу пул маблағлари ва бошқа активларни профессионал бошқарувчи компанияларга бошқаришга бериш йўли билан хусусий инвестициялар оқимини рағбатлантириш имконини беради. Натигада профессионал бошқарувни, таваккалчиликлар диверсификация қилиниши ва инвестицияларни бошқариш харажатлари камайишини таъминлайди. — Партиямиз сайловолди дастурининг асосий қоидалари нуктаи назаридан инвестиция ва пай фондларини бошқариш институти алоҳида ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга молик. Чунки у аҳолининг мамлакатимиз молия институтларига ишончи ошишига, фуқароларнинг даромадлари кўпайишига, шу асосда одамларнинг турмуш даражаси ва сифати юқалишига жиддий таъсир кўрсатади, — деди Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг аъзоси К. Мирзаев. — Шунга қарамай, амалдаги қонун ҳужжатларида ҳозиргача ана шу фондларни ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини тартибга солувчи махсус қонун йўқ. Инвестиция ва пай фондларини ташкил этиш-

нинг асосий принциплари, иштирокчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, фондларни тартибга солувчи ваколатли давлат органининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилана қўйилади. "Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида"ги қонунни қабул қилишнинг аҳамияти ана шулар билан изоҳланади. — Фракциямиз мажлисида мазкур қонун лойиҳаси сайловолди дастуридан келиб чиққан ҳолда кўриб чиқилди, — дея таъкидлади "Адолат" социал-демократик партияси фракциясининг аъзоси Ш. Полванов. — Шунга таъкидлаш муҳимки, қонуннинг қабул қилиниши инвесторларнинг бўш турган пул маблағларини жамлаш имкониятини беради ва барқарор даромад олиншини, шунингдек, мамлакатимиз молиявий бозори инвестициялашнинг халқаро амалиёти йўналишида ҳаракатланишини таъминлайди. Бу эса инвестициялаш жамоавий институтлари янада ривожланишига ва улар олдида фаолиятнинг янги уфқлари очилишига ижобий таъсир кўрсатади. Ҳар томонлама муносамадан сўнг депутатлар мазкур қонун лойиҳасининг қоидаларини маъқулладилар ва уни қабул қилдилар. Депутатлар кун тартибига киритилган бошқа масалаларни кўриб чиқилар ва улар бўйича тегишли қарорлар қабул қилдилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот хизмати.

Олий суд Пленуми мажлиси

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Таъкидлаш ўринлики, аҳолининг моддий фаровонлиги охириги бориши борабор, шахсий транспорт воситаларига эгалик кўрсатиши ҳам йилдан-йилга ортмоқда. Бу эса, ўз навбатида, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, фуқаролар ҳаёти ҳамда саломатлигини муҳофаза этиш, юридик ва жисмоний шахсларнинг мулкани, қолаверса, атроф-му-

ҳит мусоффолигини асраш соҳасида қонунчилик нормаларини янада мустаҳкамлаш тақозо этаётган. Хусусан, 2013 йилда қўйилган янги таҳрирдаги "Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида"ги Қонун ва бошқа тегишли қонун ҳужжатлари асосида йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларини бузиш билан боғлиқ ҳолатлар учун жавобгарлик кучайтирилди. Ҳайдовчиларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тартиби та-

комиллаштирилгани, автомобиллар ҳаракатини кузатиш ва назорат қилишнинг марказлаштирилган ягона ахборот-компьютер тизими шакллантирилган ва шу каби ишчил чора-тадбирлар ўзининг амалий натижасини бермоқда. Олий суд Пленуми мажлисида транспорт ҳаракати хавфсизлигига оид қонунларни амалиётда самарали татбиқ этиш, бу борада ягона суд амалиёти шакллантириш мақсадида "Транспорт ҳаракати ва унда фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар билан боғлиқ ишлар юзасида суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида"ги қарори лойиҳаси ва бошқа масалалар кўриб чиқилди. Илгиларида муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Фарида МАҲКАМОВА, «Халқ сўзи» мухбири.

ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР

ишлаб чиқаришга изчил татбиқ этилаётгани туфайли саноатда барқарор ўсиш суръатлари таъминланмоқда



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Турли хилдаги сифатли, импорт ўрнини босувчи ойналар жаҳон стандартлари талабларига тўлиқ жавоб беради. Шу боис жамоа халқаро кўргазмаларда муваффақиятли иштирок этиб келяпти.

— Бозор шароитини ҳисобга олган ҳолда фаолият юритиш тадбиркорлигининг муҳим шартларидан биридир, — дейди корхона раҳбари Улғубек Бобожонов. — Яъни махсулот сифатига эътибор қаратилиб, буюртмалар ўз вақтида ба- жарилсагина харидорлар ишончини қозониш мумкин. Корхонамизда айни шу омиларга устуворлик берилаётгани учун бозорда ўз ўрнинини янада мустаҳкамлаб оляёلمиз. Хозирги кунда буюртма асосида биналар ва қишлоқ хўжалиги техникаларига мўлжалланган ойналар етказиб бераётган бўлса, келгусида музлаткич ҳамда автомобиллар учун ҳам шундай махсулотлар тайёрлашни режалаштириб турибмиз.

"Glass pro" жамоаси йил охиригача яна икки миллиард сўмликдан зиёд махсулот ишлаб чиқариш мақсадида астойдил меҳнат қилмоқда. Бунинг учун шарт-шароит ҳам, буюртмалар ҳам етарли эканлигини инобатга олсак, кўзда тутилган марра забт этилиши мукаррардир.

Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



Шонорат ШАРАПОВ олган суратлар.

Пиллачилар эришган улкан муваффақият

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигидан маълум қилишларича, бу йил мамлакатимиз бўйича 454,6 минг қути ипак курти парваришланиб, ҳар бирдан ўртача 57,6 килограммдан сифатли пилла териб олинди. Бу кўрсаткич Каттакўрғон, Касби, Жаркўрғон, Қорақўл, Бешарик, Норин, Хатирчи туманларида 60-67 килограммни ташкил этган бўлса, кўлаб илгор фер-

мер хўжалиқларида 70 килограмм, ҳатто, ундан ҳам ошириб "қумуш тола" етиштирилди. Қувонарлиси, ялпи ҳосилнинг асосий қисми юқори навларга қабул қилинди. Бунинг ҳисобига 47 мингдан зиёд фермер хўжалиқлари 23,4 миллиард сўм миқдорда даромад оладиган бўлди.

Соҳа мутахассисларининг айтишича, бундай натижага эришишда махсуддор ипак курти зотлари парваришлангани, тармоққа замонавий тех-

нологиялар жорий қилингани, шунингдек, "Ўзпахтасаноат" уюшмаси тизимидаги пахта қабул қилиш масканларида 196 та пиллахона ташкил этилиб, ипак курти парваришlash йўлга қўйилгани муҳим омил бўлди. Бу пиллахоналарда 22 минг 700 қути ипак курти боқилиб, 1363 тонна пилла тайёрланди.

С. ИБОДУЛЛАЕВ.

ҚАРОР ВА ИЖРО

Ҳар бир давлатнинг иқтисодий тараққиёти, ижтимоий соҳалар ривожига бевосита унинг илмий ва интеллектуал салоҳияти билан чамбарчас боғлиқ. Айниқса, рақобат кун сайин кучайиб бораётган ҳозирги шароитда амалиётга илмий ҳажмдор, юқори самарали ишланмалар, илгор инновацион технологияларни татбиқ эмасдан туриб, харидорғир махсулотлар ишлаб чиқаришнинг имкони йўқ. Бироқ, сир эмаски, янгилик сифатида эътироф этиладиган ихтиролар ўз-ўзидан пайдо бўлавермайди. Бу кўп йиллик илмий изланиш ва фидокорона меҳнатни талаб қиладиган машаққатли жараённи, халқимиз таъбири билан айтганда, игна билан қудуқ қазишдек гап.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТИ

илм-фан равнақиға қаратилаётган эътибор натижасида тобора ошмоқда

Айни шу жиҳат инобатга олинган ҳолда, мамлакатимизда мустақиллик йилларида илм-фанни ривожлантириш, олимлар ва тадқиқотчилар фаолиятини қўллаб-қувватлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натигада Ўзбекистонимизнинг интеллектуал салоҳияти тобора юқалиб бораёпти. Ҳар йили юзлаб инновацион ишланмалар яратилаётгани, барчани лол қолдирадиган илмий ихтироларга қўл урилаётгани ана шундан далолат беради. Шубҳасиз, бунда Президентимизнинг 2008 йил 15 июлдаги "Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори муҳим дастуриямал вазифасини ўтаётти.

Дарҳақиқат, мазкур ҳужжат ижросини таъминлаш мақсадида қўрилаётган чора-тадбирлар олимларнинг ишлаб чиқарувчилар билан ҳамкорлигини мустаҳкамламоқда. Пировавдида олий ўқу юртурула ва илмий тадқиқот институтларида олиб борилаётган изланишлар бевосита саноат корхоналарида дуч кели-

наётган муаммолар ечимини топади, моддий ва табиий ресурсларни иқтисод қилишга йўналтирилади. Мисол учун, Ўзбекистон кимё-фармацевтика илмий тадқиқот институти лабораторияси мудири, техника факультети доктори, профессор Мирзахмад Юнусов қарийб ярим аср мобайнида нефть-газ саноати тараққиётига хизмат қиладиган қўллаб ишланмаларини яратишга муваффақ бўлди. Бу ютуқлар билан қизиқганимизда, олим асосий омил сифатида юртимизда илм аҳли учун қулай шарт-шароитлар яратиб берилганини алоҳида эътироф этди.

— Сир эмас, ноёб ихтиролар, илгор инновацион ишланмалар илмий тадқиқот учун қулай шарт-шароит мавжуд бўлган, олимлар фаолияти қўллаб-қувватланаётган жойдагина яратилади, — дейди М. Юнусов. — Зеро, илм йўли машаққатли йўлдир. У кишидан алоҳида кунт, катта матонат, сабр-бардошни талаб этади. Шу маънода айтганда, Ўзбекистонимизда олимларга бўлган эътибор, кўрсатилаётган ғамхўрликнинг чеки йўқ. Бу эса бизга куч-қувват бағишлаб, янги-янги марраларни эгаллашга руҳлантираётти. Шундай кезларда беихтиёр ёшлик дамларим, ўша пайтлардаги аҳвол ёдимга тушади ва хаёлан хозирги шароит билан қиёслаيمان: ер билан осмонча фарқ бор. Бу ҳақда ёш шоғирдларимга сўзлаб берсам, эртадек тинглашади. Шу боис уларга бундай қулайликлардан умумий фойдаланишни уқтиришдан чарчамайман.

Олимнинг дастлабки ишлари саноатда учраётган муаммоларни бартараф этиш, чинқиндиз технологияларни жорий этишга бағишланган эди. Яъни нефть ва газни қайта ишлаш соҳасида хом ашё ва энергия тежамкорлигини оширувчи технологияларни ишлаб чиқиш, кимё ва кимё-фармацевтика саноати қиқдиларини қайта ишлаш муаммолари устида изланди. Натигада биринчи бўлиб токсик органик моддалар билан ифлосланган оқова сувларни каталитик зарарсизлантиришни энг самарали усубини назарий жиҳатдан асослаб беришга, асосийси, уни амалий жиҳат-

Сайд РАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.







24 йил



Ёшлик давримиз жуда қийин шароитда ўтган. Мактабга қатнаш учун қишда лой кечиб, ёзда чанг-тўзон оралаб юришга мажбур бўлардик.

ТАҚДИРИМИЗГА БИТИЛГАН БАХТ

Тор, зах, диққинафас синфхоналарда ўқиганимиз, дарсликлар етишимгани, пахта йигим-терими даврида ёппасига далага сафарбар қилиниб, декабрнинг изгиринли кунларига ҳам кўсак чувиганимиз — буларнинг барчаси эндиликда кўркинчи тушдай туюлади.

Бугун болаларимиз ўқитган замонавий мактабларга қараб, завқимиз келди. Бўш вақтларини кўркам спорт мажмуаларида, ахборот-ресурс марказларида ўтказишмоқда. Бир эмас, бир неча хорижий тилларни ўрганишга азаматлар.

Ўзимга келсак, чет мамлакатларда малака ошириб қайтдим. Халқ таълими вазирлигининг тегишли қарорига кўра, номим француз тили бўйича дарслик яратувчи муаллимлар рўйхатида киритилди. "Францияга саёхат" дарслик-мажмуасини яратдим. Бундан ташқари, француз тили фанидан 1-синфлар учун "Калдирғоч" деб номланган дарслик-мажмуамиз нашрдан чиқди.

Ўқувчилар билан тез-тез мулоқот қилиб тура-миз, дилдан сўхбатлашамиз. Уларни шу дориламон кунларнинг қадрига етишга, доим изланишга, билим олишга ўргатамиз. Ҳозирги кунгача ўттиз нафардан зиёд ўқувчим француз тили бўйича республика фан олимпиадаларида, "Билимлар беллашуви" да совриндорлар сафидан ўрин эгаллади. Унлаб шогирдларимиз мамлакатимиз ҳамда ривожланган давлатларнинг энг нуфузли олий ўқув юртыларида тахсил олди. Бундан, албатта, чексиз фخرланамиз.

Меҳнатларимиз зое кетмади. Эл-юрт ҳурмати-га сазовор бўлдик. Шогирдлар ардоғиданам. Илгари оддий бир қишлоқ ўқитувчиси дунёнинг нуфузли олий ўқув юртыга бориб, тахриба ўрганиши кимнинг хаёлига келибди, дейсиз?! Шул ҳақида ўйларканман, ўзимга "Кеча ким эдику бугун ким бўлдик?" дея савол бераман ва мустақилигимиз қадрини янада теран англаб етгандек бўлман. Билимга ташна, интилувчан, ўқиб-ўрганишдан чарчамайдиган ёшлар билан ишлаш масъулияти кучимга куч, ғайратимга ғайрат қўшади.

САИД РАҲМОНОВ, Ғиждувон туманидаги 62-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби директори, «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби.

МЕРОС

Термиз туманилик ёш хунарманд Ойжамол Ўдамуродованинг қўлида жило топаётган гиламлар, нақшинкор сумкалар бежирми-ги, юқори сифати билан харидорларга манзур бўлмоқда.

Табиий гиламлар жилоси

— Гилам тўқиш ва совга-боп буюмлар ясашда жун ҳамда табиий рангдан фойдаланаман, — дейди Ойжамол. — Натижада улар узок вақт жилосини йўқотмайди. Қолаверса, бундай махсулотлар инсон саломатлиги учун ҳам фойдали. Ҳозир маҳалламиз қизлари билан бирга мўжазгина цех очини режалаштираёмиз.

Шунда гиламчилигимизнинг унутилабган турларини тиклашни йўлга қўямиз. Айтиш керакки, ўтган йили О. Ўдамуродова "Юксак маънавиятга авлод" фестивалининг республика босқичида голибликни қўлга киритган эди.

НОРМУРАД ТЕМИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«Қибрай» клиник санаторийси
юрак-қон томир ва асаб тизими касалликларини даволаш бўйича мамлакатимиздаги етакчи ихтисослаштирилган сўхатгоҳдир. Бу ерда 2 нафар профессор, олий тоифали кардиолог, невропатолог, пульмонолог ва бошқа етук мутахассислар тиббиётнинг энг илгор усуллари асосида беморларни даволайдилар. Фин, турк, япон сауналари, бассейни ва жакузи ванналари, фитобочка, инфракрасил нур билан даволаш хонаси ишлаб турибди. Сўхатгоҳда фитобар, теннис корти ва яна кўплаб қўлайликлар мавжуд. Яшаш хоналари кабель ТВ ва маиший электр асбоблари билан жиҳозланган. Ошхонада 5 маҳал парhez таомларни ўз ичига олган таомнома тавсия қилинади. Манзил: Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Қибрай кўрғони. Метронинг «Буюк Ипак йўли» бекатидан 101-автобус ёки 135-йўналишдаги таксида «Дача» бекатига бориш мумкин. Тел.: (0-371) 286-01-46, 286-02-00, 286-01-97.

«Меҳр ва эътибордан беҳад мамнунмиз»

дейишмоқда мамлакатимиз бўйлаб давом этаётган саломатлик ҳафталигида кўриқдан ўтаётган юртдошларимиз

Инсон саломатлиги — бебаҳо бойлик. Зеро, мамлакатимизда тиббиёт соҳасида олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлардан кўзланган пировард мақсад ҳам халқимиз саломатлигини сақлаш, жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга қаратилган.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

Бундай хайрли вази-фалар "Кексаларни эъзоллаш йили" Давлат дастурининг муҳим бир йўналишига айлангани, айти пайтада бу борада кенг қўламли чора-тадбирлар изчил амалга ошириб келинаётган. Жумладан, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан республика бўйлаб бошланган навбатдаги саломатлик ҳафталиги ана шундай эзгу сый-ҳаракатлар ифодасидир. Аънаанага мувофиқ, "Чеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!" шиори остидаги ижтимоий акцияда нурунийлар, оналар ва болалар чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилмоқда. Ҳафталик давомида ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари, илмий текшириш институтлари ва тиббиёт йўналишидаги олий таълим муассасаларининг 300 нафардан зиёд фан докторлари, профессорлари, доцентлари ҳамда малакали шифокор-

дамиз. Ушбу маскан ҳар қачонгидан-да гавжум. Эрта тонгдан онахонлар, отахонлар, ёш болали аёллар, хотин-қизлар малакали мутахассислар ҳузурига ошқадилар.

— Тадбирни ўтказиш учун кўп тармоқли марказий поликлиникаимизнинг танлангани беҳиз эмас, — дейди туман тиббиёт бирлашмаси бош шифокори Рустам Унарлов. — Чунки бу муассаса ўтган йили манзилли дастур асосида давлатимиз томонидан ажратилган 3,6 миллиард сўмлик маблағ эвазига бутунлай янгидан бунёд этилди. Ҳозирги кунда 150 қатновга мўлжалланган поликлиникада 40 нафарга яқин

мутахассис туманимизнинг 200 мингдан ортиқ аҳоли-сига тиббий хизмат кўрсата-тапти. "Саломатлик — 3" лойиҳаси доирасида тиббиёт масканимиз энг илгор асбоб-ускуна ва лаборатория жиҳозлари ҳамда рентген аппарати билан таъминланди. Давлатимиз томонидан яратиб берилаётган бундай шарт-шароитлардан барча мамнун.

— Насиб бўлса, ҳадемай етмиш беш ёшни қаршилайман, — дейди Дилбар Курбонбоева. — Болагим уруш ва ундан кейинги қийинчилик йилларида кечди. У пайтларда тиббий кўриқдан ўтиш у ёқда турсин, унинг нималигини тасаввур ҳам қилолмасдик. Мана, энди кўринг, кексага ёшнинг саломатлигига давлатнинг ўзи гамқўрлик қилапти. Барака топкур шифокорлар беминнат хизматимизда бўлишапти. Яқинда сўхатгоҳда дам олиб қайтдим. Бугун эса энг малакали шифокорлар сўхатидан ўтиб, маслаҳатини олаямиз. Уларнинг ширин сўзи, меҳр ва эътиборидан, очиги, танимиздан дард аригандек бўлаяпти.

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ
очиқ аукцион савдосига таклиф этади.
«Capital realtor group» МЧЖ Андижон филиалида 2015 йил 31 июль куни соат 11.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Хўжаобод тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 2015 йил 20 апрелдаги 10-1503/1930-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Хўжаобод тумани, «Бирлашган» ҚФЙ, «Мустаҳкам» МФИда жойлашган, қурилиш майдони 1055,95 кв.м. бўлган, «Shoxnur davr tekstil» МЧЖга тегишли, Д, Д1, Д2-литерлардаги 2 қаватли бино-иншоотлар қўйилмоқда.
Бошланғич баҳоси — 801 640 833 сўм.
Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулк билан тегишли туман суд ижро-чилири бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосига қатнашни истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 9.00 дан 17.00 гача қабул қилинади ва 2015 йил 29 июль куни соат 17.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда. «Capital realtor group» МЧЖнинг АТ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.
Хизматлар лицензияланган.
Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Андижон шаҳри, Миллий тикланиш кўчаси, 36-уй, 3-қават. Телефон: (0-374) 228-46-16.

Спорт

Мельбурн шаҳрида таэквондо (WTF) бўйича бўлиб ўтган Австралия очиқ чемпионатида тахрибали спортчимиз Жасур Бойқўзиёв кумуш медални қўлга киритди.

Ҳамюртимиз — совриндор

Авал хабар қилганимиздек, мазкур нуфузли мусобақада қирқдан зиёд давлатнинг энг кучли таэквондочилари совринли ўринлар билан бирга, 2016 йилда Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтказиладиган XXXI ёзги Олимпиадада ўйинларига йўлланма берувчи муҳим рейтинг оч-колари учун кураш олиб борди. Айни шу жиҳат

беллашувларнинг мурасасиз ва қизиқарли кечини таъминлади.

Жасур Бойқўзиёв қозғистонлик Руслан Шарипов, Янги Зеландия вакили Дафид Сандерси мағлубиятга учратиб, совриндор бўлди.

Мазкур мусобақанинг дастлабки кунги баҳсларида ҳамюртимиз Дмитрий Шокин олтин медалга эга чиққан эди.

Пойтахтимиздаги олий таълим муассасаларида тахсил олаётган талаба қизлар ўртасида футбол бўйича мусобақа ўтказилди.

Ўзбекистон аёллар футболли, мини-футболи ва пляж футболли ассоциацияси томони-дан Олий ва ўрта махсус таълим, Ички ишлар вазирликлари ҳамда Ўзбекистон фут-бол федерацияси ҳам-корлигида ташкил этилган мусобақада саккиз жамоа голиблик учун баҳслашди.

Яқинда Сингапур менежментни ривож-лантириш институти жамоаси Тошкент ахборот технология-лари университети та-лаба қизларини 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратиб, бош соврин-ни қўлга киритди.

Талаба қизлар беллашуви

«TOU Co.LTD» Ўзбекистон — Жанубий Корея қўшма корхонаси
«UNIVERSAL SERVICES of CENTRAL ASIA» хорижий корхонаси
махсус қурилиш техникаларини таклиф этади.
махсус қурилиш техникалари ва сервис хизматларини таклиф этади.
www.doosaninfrastructure.uz
Махсулотлар сертификатланган, хизматлар рўйхатга олинган.
Манзил: 100039, Тошкент ш., Юнусобод т., Чинобод к., 87-уй.
Савдо бўлими Тел.: (+99871) 200-00-27/28. (+99890) 805-60-52/53. E-mail: doosansales@uztow.com
Сервис хизмати Тел.: (+99871) 200-00-26, (+99890) 189-71-54, 968-71-79. E-mail: servicedoosan@uztow.com

Рейтингини яхшилаб олди

Буюк Британиянинг Ноттингем шаҳрида теннис бўйича эркаклар ўртасида майсали кортларда ўтказилган "АТР" таснифига кирувчи халқаро турнирда ҳамюртимиз Денис Истомина бош совринни қўлга киритди.

Финалда АҚШ вакили Сэм Куэррига қарши кортга чиққан спортчимиз ҳар икки сетда рақибини бир хил — 7:6 ҳисобларида енди.

Эътиборлиси, бу Дениснинг "АТР" таснифидидаги мусобақаларда қўлга киритган илк

соврини ҳисобланади. У мазкур галабаси эвазига 250 рейтинг очкосига эга бўлди ҳамда дунёнинг энг кучли теннисчилари рўйхатида 30 поғона юқорига кўтарилди.

Фазлиддин АБИЛОВ тайёрлади.

«VIP REAL ESTATE» МЧЖ
аукцион савдосига таклиф этади.
2015 йил 31 июль куни соат 12.00 да мулк бошланғич баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 2015 йил 5 июндаги 11-1535/2947-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент вилояти, Оҳангарон тумани СИБ томонидан хатланган, Тошкент вилояти, Оҳангарон тумани, «Дўстлик» ҚФЙ, Фалла қудуқ қишлоғида жойлашган ферма бино-иншоотлари қўйилмоқда.
Бошланғич баҳоси — 1 600 000 000 сўм.
Аукцион савдосига чиқарилган кўчмас мулк билан тегишли туман СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида голиби савдо ўтган кундан бошлаб 5 (беш) банк куни ичида мулк учун тўловларни амалга ошириши лозим. Аукцион савдосида қатнашни истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 17.00 гача қабул қилинади ва аукцион савдосидан бир кун олдин соат 12.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашни истагидаги талабгорлар тузилладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги маблағни тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, савдо ташкилотчисининг ХАТБ «InFinBank» Шайхонтоҳур филиалидаги МФО: 01041, СТИР: 302681189, 20208000600250595001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва арiza билан қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак:
• жисмоний шахслардан — паспорт нусхаси;
• юридик шахслардан — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда;
• закалат пули тўлаганлиги ҳақида тўлов ҳужжати;
• чет эл юридик ва жисмоний шахслар — сўмдаги маблағларнинг келиби чиқиши қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумот.
Қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади.
Манзил: Тошкент шаҳри, Амир Темури 1-тор кўчаси, 6-уй.
Телефон: (0-595) 143-0-143, e-mail: info@realtors.uz, www.realtors.uz
Хизматлар лицензияланган.

Халқ сўзи Народное слово
Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ
2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 667. 118 971 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.
Телефонлар: Девонхона 233-52-55; Котибият 233-10-28; Ўяллар 232-11-15.
МҲАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
ТАХРИРЯТГА КЕЛГАН ҚЎЛЭЗМАЛАР ТАҚРИЗ ҚИЛИНАЙДИ ВА МУАЛЛИФГА ҚАЙТАРИЛМАЙДИ.
РЕКЛАМА МАТЕРИАЛЛАРИ УЧУН ТАХРИРЯТ ЖАВОБГАР ЭМАС.
ГАЗЕТА ТАХРИРЯТ КОМПЬЮТЕР МАРКАЗИДА ТЕРИЛДИ ҲАМДА ОПЕРАТОР М. БЕМУРАТОВ ТОМОНИДАН САҲИФАЛАНДИ.
МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — С. Махсумов.
Мусаҳҳах — С. Исломов.
«ШАРҚ» НАШИРЁТ-МАТБАА АКЦИЈОРЛИК КОМПАНИЈАСИ БОСМАХОНАСИ. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.40
Топширилди — 22.15 1 2 3 4 5